

РАЗДЕЛ 2

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИ ВА УНИ БОШҚАРИШ ӨНДІРІС КЕСІПКЕРЛЕРІНІҢ ЭКОНОМИКА ЖӘНЕ БАСҚАРУ ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ ПРОИЗВОДСТВЕННЫМИ ПРЕДПРИЯТИЯМИ

R.B. Азизова, илмий раҳбар Г.А.Солиева

Наманган мұхандислик-технология институти

Наманган, Ўзбекистон

salieva.gulbaxor@bk.ru

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада ҳунармандаудың ривожлантириши “Буюк ипак (сағдо) йўли” нинг аҳамияти, ҳунармандаудың тарихи, қадимий турлари, ривожланиш босқичлари ҳамда бугунги кунда Наманган вилоятида ҳунармандаудың маҳсулотлари бозорининг таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: ҳунарманд, бозор, “Буюк ипак (сағдо) йўли”, тадбиркорлик, лойиҳа, Аксикент.

R.B. Azizova, supervisor G.A.Solieva

Namangan Engineering Technological Institute,

Namangan, Uzbekistan

salieva.gulbaxor@bk.ru

MARKET OF CRAFTED PRODUCTS IN NAMANGAN REGION AND PROSPECTS OF ITS DEVELOPMENT

Annotation. The article presents the role of the Great Silk Road in the development of handicrafts, the history of handicrafts, ancient species, stages of development and analysis of the handicraft market in the Namangan region today.

Key words: artisan, market, "Great Silk (trade) road", entrepreneurship, project, Aksikent.

Ҳунармандаудың халқимизда қадимдан мавжуд бўлиб, бу инсониятнинг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ ҳолда тараққий этиб келмоқда. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида ҳунармандаудың ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг менталитетитимизга хос темирчиллик, заргарлик, мисгарлик, қошиқчиллик,

сандиқсозлиқ, этиқдўзлик, дурадгорлик шакллари қадимдан мавжуд. Ота-боболаримиз ва бувиларимиз орасида ушбу меҳнат турларининг ўз устазодалари ва чеваралари бўлишган.

Ўзбек халқининг маданий меъроси бўлмиш меъморчилик санъати ҳам ҳунармандлар маҳсулидир. Кўхна шаҳарларимизда чиройини кўз – кўз қилиб турган маҳобатли меъморий обидалардаги нақшлар, кошинлару, ўймакорлик санъатининг нодир дурдоналари ҳам шу ҳунармандлар томонидан яратилганлиги таъкидлаш жоиз. Буларнинг барчаси Шарқда маданият жуда юксак бўлганлигидан далолат беради. Қўли гул усталар яратган санъат дурдоналари кишиларга эстетик завқ бағишлайди ҳамда уларни ахлоқий тарбиялашда муҳим восита ролини ўйнайди.

Ҳунармандчиликнинг ривожланишида “Буюк ипак йўли”даги (савдо) йўлининг таъсири катта бўлган. “Буюк ипак йўли” милоддан аввалги I минг йилликнинг иккинчи ярмидадан то XV асргача Шарқни Ғарб билан боғлаган асосий савдо йўли бўлиб, у Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Эрон, Яқин Шарқ ҳамда ўрта денгиз мамалакатлари ўртасидаги савдо – сотиқ ва маданий алоқаларни ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Қишлоқ ва шаҳарларидаги ҳунармандлар, дехқончилик қуроллари (сўқа, омоч, теша, кетмон, болта, ўроқ ва бошқалар) ишлаб чиқарар эди. Қуролсозлар, темирчилар, заргарлар, қилич-қалқон, найза, ўқ-ёйдан ташқари, ажойиб уй-рўзғор буюмлари – чойнак, офтоба, мис кўза, олтин ва кумуш идишлар, узук, сирға, отларга жабдуқлар, нақшинкор ўймакорлик билан нафис буюмлар ишлаб чиқарар эдилар. Чорвачилик ривожланаётган жойларда ҳунарманд кўпчилик ишлари – чодирлар, садоқ, ўқдонлар, ҳамёнлар, чарм муқовалар харидоргир эди.

Демак тарихий катта давр ичида “Буюк ипак (савдо) йўли” бизнинг ҳудудларимизда шарқона савдо тамойилларини шаклланишига сабаб бўлган.

Тарихий манбалардан яна шу нарса маълумки, милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарига келиб, шаҳарларнинг аҳолиси гуруҳларга бўлиниб яшай бошлаган. Ҳунармандлар соҳалар бўйича бозор учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтганлар. Шу даврда кулоллар ҳам ўз хумдонларини шаҳарнинг маълум қисмига кириб, маҳсулот тайёрлай бошладилар. Шу тариқа ҳунармандчилик дехқончиликдан ажралиб чиқкан, бу эса иккинчи меҳнат тақсимоти ҳисобланади. Манбалардан маълум бўлишича, Наманганинг Аҳси шаҳрида (Ахсикент) дунёга машҳур ўткир қиличлар, мисгарлик, заргарлик буюмлари айнан ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқилган. Наманганд вилоятида ҳунармандчиликнинг ўрни беқиёс. Улар томонидан ясалган сопол буюмлар, ошланган терилар жуда бозоргир бўлган. Чуст ҳунармандчилигининг

ривожланиши баъзи бир кичик саноат корхоналарининг ташкил этилишига сабаб бўлган. Бунинг натижасида эса, аҳолини иш билан бандлиги таъминланган.

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик, ҳалқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали ҳалқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оиласаларни ҳунармандчиликка кенг жалб этиш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида бир қатор муҳим вазифалар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябр куни “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4539-сонли қарори қабул қилинди, унга кўра ҳунармандларга бир қатор имтиёз ва преференциялар берилди. Ҳунармандчилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва қуидаги вазифалар белгилаб қўйилди:

- I. Туризмни ривожлантиришда миллий ҳунармандчиликнинг ролини ошириш;
- II. Ҳунармандларни давлат томонидан имтиёзлар бериш ва қулайликлар яратиш орқали қўллаб-қувватлаш;
- III. «Уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунар ўргатиш тизимини такомиллаштириш;
- IV. Маҳсулот сотиш ва янги бозорларни ўзлаштиришда ҳунармандларга қулайликлар яратиш;
- V. Миллий ҳунармандчиликни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш.

2020 йилнинг январ – декабр ойларида ҳунармандчилик соҳасида Наманган вилоятида жами 7 979 та иш ўринлари яратилди. Шундан 3114 нафари янги ҳунармандлар ҳисобига, 996 нафари қайта аъзо бўлган ҳунармандлар ҳисобига ҳамда уларга 3869 нафар шогирдлар бириктирилди. 2020 йилда 1401 та лойихага 62 149 млн. сўм маблағ йўналтириш белгиланган бўлса, шундан ўз маблаги ҳисобидан 7 099 млн. сўм, банк маблағлари ҳисобидан 55 050.0 млн. сўм ажратилган. Бунинг натижасида ҳунармандчилик лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига 2 047 та янги иш ўринлари яратилди.

Жорий йилнинг январ – декабр ойларида 2 083 та лойихага 62 998.0 млн. сўм (шундан, 555 нафар аёлларга 16 790 млн. сўм, 690 нафар ёшларга 21 000 млн. сўм) миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилган.

Наманган шаҳридаги “Афсоналар водийси” истироҳат боғи ҳудудида қиймати 40 млрд. сўмлик “Хунармандлар маркази” қурилди. Ушбу марказда ҳунармандлар учун ҳар бири 50 ва 60 кв. метрдан иборат 14 та савдо дўконлари ташкил этилди.

Шунингдек, хусусий шериклик асосида ташаббускор ҳунармандларни жалб этиш бўйича вилоятда фаолият юритувчи ҳунармандларга таклифлар берилди ҳамда қўшни вилоятлардаги ҳунармандларни ҳам жалб этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Наманган вилоятининг Чуст туманида “Хунармандчилдик маркази” ташкил этиш бўйича Республика “Асака” банк томонидан қиймати 15 минг АҚШ доллори миқдоридаги концепция ишлаб чиқилди.

Чуст туманидаги ўзига хос дўппидўзлик мактаби ва пичоқ ясаш санъатини ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос обьектлари рўйхатига киритиш юзасидан ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқиш бўйича Чуст туманининг тарихи ҳамда пичокчилик ва дўпичиликнинг келиб чикишини ҳамда неча юз йилликларга бориб тақалиши бўйича тарихчилар, олимлар билан чуқур ўрганлмоқда. Бир қанча шажаралар тикланиб ЮНЕСКОга ариза қилиш учун вилоят ва Республика босқичларида кўриб чиқилиши учун тайёргарлик кўрилмоқда. Хозирда туман тарихини биладиган шахслар ва пичокчилик ҳунари билан шуғулланган ва илгари ота боболари шу ҳунар тури билан шуғулланган одамлар билан маълумотлар жамланмоқда.

Бу каби ижобий натижалар билан бир қаторда Наманган вилоятидаги ҳунармандлар фаолиятида ечимини кутаётган бир қатор муаммолар ҳам мавжуд:

- ҳунармандчиллик савдо – сотиқ ишларини амалга оширишда маҳсулот экспорт қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг товар хом – ашё биржаси Наманган вилоят бўлими билан қўшимча чора – тадбирлар ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз;

- Наманган вилоятида ишлаб турган аҳолининг қарийб 30 фоизини ҳунармандлар ташкил этишини ҳисобга олиб, янги иш бошлаган ҳунармандларга бандликка кўмаклашиш маркази орқали имтиёзли кредитлар беришни кўпайтириш масаласини ечиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Наманган вилоятида ҳунармандчиллик маҳсулотлари бозорини ривожлантириш орқали аҳолини иш билан бандлигини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш ва турмуш даражасини ошириш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябр куни “Ҳунармандчилликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама

қўллаб-қуватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4539-сонли қарори.

2. Наманган вилояти статистика бошқармаси 2020 йил маълумотлари.
3. Солиев А. Маркетинг. Бозоршунослик. Дарслик. Тошкент. Art-Flex. 2008.

А.К. Комилжанович, Х. Парниев, С.Т. Тожимирзаев

Наманганский инженерно-технологический институт

Наманган, Узбекистан

sanjar.tojimirzaev@gmail.com

ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРЯДЕНИЯ ДЛЯ ПРОИЗВОДСТВА ПРЯЖИ ИЗ СМЕСИ ХЛОПКОВЫХ И ШЕЛКОВЫХ ВОЛОКОН

Аннотация. В зависимости от источника натуральных шелковых волокон (выращивание кокона, его первоначальная обработка, сортировка, прядение, прядение и ткачество) образуются отходы шелкового волокна. Кроме того, в системах прядения в качестве сырья при прядении шелка используются обраты, лоскуты, отходы шелковых волокон и штапелей. Технология обработки этого сырья намного сложнее, так как длина, толщина, прочность, удлинение и другие технологические свойства волокон различны.

Для производства пряжи из смеси хлопковых и шелковых волокон за основу принимается технология прядения пряжи, имеющаяся на текстильных предприятиях. Один из основных этапов работы - смешать волокна хлопка-волокна и шелка, чтобы получить одинаковое строение смеси. Функция смешивания заключается в том, чтобы равномерно распределить волокна каждого компонента по всему объему смеси. В каждой части смеси волокон все компоненты должны соответствовать заданному составу. Смешение волокон с разными компонентами технологически целесообразно производить на отрезных и штапелирующих машинах: таким образом значительно сокращается количество технологических проходов при производстве пряжи.

Предлагаемая в статье технология прядения смеси из хлопковых и шелковых волокон считается более экономичной.

Ключевые слова: шелк, хлопковое волокно, штапелирование, смешивание, смесь, технология

А.К. Комилжанович, Х. Парниев, С.Т. Тожимирзаев